

Мухтарам Президент Жаноблари, Қўмондонлиқни топширишга тайёрларан эканман, терриорчиликка қарши глобал урушда эришган муваффақиятимизни фахр билан ёдга олмақдаман. Афсуски, истеъфога чиққунимга қадар Сиз билан учрашиб, ўз миннатдорчилигимни шахсан изхор эта олмадим. Террордан жабр кўрган мамлакатлардан бирининг вакили сифатида, Сизга ва ҳамюртларингизга жасоратингиз ҳамда «Енгилмас озодлик» ва «Озод Ироқ» операцияларини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун шахсан ташаккур айтаётганим. Бизнинг қўшма саъй-ҳаракатларимиз ва ривожланиб бораётган икки томонлама ҳарбий муносабатларимиз бундан бундан ҳам минтақадда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим омили бўлиб қолаверди. Сўнгги бир неча йил мобайнида кўрсатган дўстона муносабатингиз учун Сизга яна бир бор ўз миннатдорчилигимни изхор этаман. Яна учрашувимизга қадар муваффақият, бахт-саодат ва раванг тилаб билдирган эзгу тилакларимни қабул этгайсиз. Эҳтиром билан,

Томми ФРЭНК, АКШ Куроли Кучлари генерали

ИСТИҚЛОЛ, ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дунё давлатлари қаторида халқаро тузилмалар билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Европа Иттифоқи билан кенгайиб бораётган алоқалар бунга ёрқин мисолдир. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик ушбу тузилма билан имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида йилдан-йил ривожланиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда мазкур битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга ошириляпти. Лойиҳа раҳбари А.Стрейнинг таъкидлашича, у маъмурий ислохотларни амалга оширишда мамлакатимизга техникавий ёрдам кўрсатиш, икки томон қонунларини бири-бирига мослаштириш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишга тайёрлигини билан боғлиқ қўшма тадбирларни ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши эса мамлакатимизга халқаро бозор тизимида янада кенг фаолият юритиш имконини беради. Ўза муҳбирининг лойиҳа етакчи мутахассиси Жорж МИРОГИАННИС билан суҳбатда ЖСТ ва мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиш истиқболларига бағишланди. - Жаҳон савдо ташкилоти қўш томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади, - дейди Ж.Мирогианнис. - У муайян мамлакатнинг савдога оид қонунларини ҳаётга жорий қилиш мезонини аниқлаб, қатъий шартномавий мажбуриятларни ишлаб чиқади. Шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар ёрдамида савдо алоқаларини кенгайтиришга шарт-шароит яратлади. ЖСТга аъзолик мамлакатларга олдиндан баҳорат қилса бўладиган барқарор савдо муҳити доирасида ўзининг тараққиёт стратегиясини ҳамда савдо сийосатини ишлаб чиқиш имконини беради. Шу боис ташкилотга аъзо бўлиш режаси миллий тараққиёт сийосатини амалга оширишда халқ қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу борадаги аниқ мақсад ва режалар ЖСТга аъзо бўлиш учун музокаралар жараяни бошлангунга қадар белгилан олинган лозим. Зеро, музокарада мамлакатнинг аъзолик мажбуриятлари ҳамда халқаро товарлар ва хизматлар бозорига муайян имтиёزلарга эга бўлиши масаласи ҳам кўтарилди. ЖСТга қўшилиш узоқ вақт талаб қиладиган мураккаб жараяндир. Унда миллий манфаатларни самарали ҳимоя қилиш учун юқори даражада тайёрликни тақозо этилади. Асосий эъза мамлакатлар билан жиддий музокаралар ўтказишга тўғри келади. Музокарада мамлакатнинг истиқболдаги тараққиёти учун амалга оширилган савдо сийосатига тегишли стратегия ва узоқ муддатта мўлжалланган йўналишлар муҳофизат этилади. Европа Иттифоқи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси воситасида ушбу вазиёфини муваффақиятли ҳал этилишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ, Ўза шарҳловчиси



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 август, жума № 130 (1555)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармонида мувофиқ ҳамда умумий фойдаланиладиган йўллар самарали сақланиши, таъмирланиши, реконструкция қилиниши ва қурилишини таъминлаш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

- 1. Қуйидагилар: «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ҳодимларининг чекланган сони 29 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси; йўл-қурилиш ҳудудий йўлба ташкилотларининг (кейинги ўринларда матнда ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари деб юритилади) бошқарув ҳодимларининг чекланган сони 15 нафар бўлган намунавий тузилмаси; йўл ҳўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарининг бошқарув ҳодимларининг чекланган сони 10 нафар бўлган намунавий тузилмаси тасдиқлансин. 2. Белгилаб қўйилсинки: «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг бошқарушининг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Компания кенгаши ҳисобланади; «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимга Компания кенгаши тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади; йўл-қурилиш ҳудудий ташкилотлари раҳбарлари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари тақдимномасига кўра «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан тайинланади. 3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ў.Султонов Вазирлар Маҳкамасининг йўл-транспорт қўш муникацияларини қуриш ва ривожлантириш комплекси билан биргаликда бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Компания кенгаши таркиби юзасидан тақлифлар киритсин. 4. Белгилаб қўйилсинки: «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат концернининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади; «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг устав фонди умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари асосий фондлари ва ўзгартирилган «Ўзавтойўл» давлат концерни мол-мулк ҳисобига ҳосил бўлади; ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотларининг устав фондлари маҳаллий аҳамиятга (вилоят аҳамиятига) эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллариининг уларга бериладиган асосий фондлари, шунингдек, ўзгартирилган ҳудудий давлат акциядорлик бир-лашмаларининг мол-мулк ҳисобига ҳосил бўлади; «Ўзавтойўл» давлат ак-

циядорлик компаниясини ташкил этиш жараянида чиқарилган акциялар давлат мулки ҳисобланади ва соғимаслиги ёки бошқа беғоналаштирилмаслиги керак. 5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бир ой муддатда: «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг устави ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминлашини; «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясини таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлмаган корхоналарни хатловдан ўтказишлар ҳамда уларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; 6. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар йўл ҳўжалиги тизими корхоналари ва ташкилотлари ўзгартирилиши муносабати билан текин оладиган мол-мулк, асосий ва айланма воситалар бўйича даромад (фойда) солиғидан озод қилинсин. 7. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгаши таркиби; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг ҳодимларининг чекланган сони 45 нафар бўлган тузилмаси тасдиқлансин. 8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга таъинланади ҳамда моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вази ўринбосарига тенглаштирилади. 9. Белгилаб қўйилсинки: Республика йўл жамғармаси маблағларидан қонун



Данғара туманидаги «Данғара» ширкат ҳўжалиги бу йил галладан мўл ҳосил этиштириб, шартномавий режани шараф билан бажарди. Айни чоғда пахта дала-ларда иш қизган. Суратларда: бош ҳўсилот А.Саидов механизатор Ф.Фофуров билан суҳбатлашмоқда; гўзага ишлов бериш пайти. Ф.ХИДИРОВ олган суратлар

Учқўргон туманидаги 8-ўрта умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчилари мактабларни ўқув дарслик-лари билан таъминлашда ҳўимийлик қилишга чорлаб Наманган вилояти аҳлига мурожаатнома қабул қилган. ХАЙРЛИ ТАШАББУС Ҳозирда турли корхона, ташкилот ва идораларда, фермер ҳўжаликлари, савдо тармоқларида ишлаётган, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган собиқ ўқувчилар ушбу хайрли ишда фаол иштирок этишмоқда. Мазкур ташаббус шу кўнларда вилоятда кенг ёйилди. «Намангандонмахсулот» қўбинати Тўрақўргон туманидаги 19 ва 62-мактабларга уч миллион сўмлик дарслик олиб берди. Шу тумандаги «Сохилобод» ширкат ҳўжалиги 23-мактабларда кўллаб-моддаларни кўлга киритмоқда. Мамлакатимизда мана шундай йирик спорт анжуманларини ўтказиш аънаънага айланган. Аёллар самбоси фестивали дастуридан

У кўнларни унутиб бўлармиди!

«ПАХТА ИШИ» ЖАБРАДИЙДАСИ


«ИТ ҲТИШ, МИРЗА ТУРИШ» Мана 2,5 ой бўлаётти, судсиз, химоячисиз қамоқда Ҳтибди. Ъстижоднинг овозини, қизалоги Мўҳаббатхоннинг товушини тўнгуқдан эшитиш, холос. Уларнинг чехраларини қуришга зор. Нозирлар хотини келтирган ғўлиларни қаршида маҳбўса албатта топширишга ваъда берадилар. Аммо улар кетиши билан дастурхонга Ҳпирилиш, хоҳолганча оватқатни паққос тўширадилар. Сайдали ака қўйидаги вожани гапириб берди. Тушлик пайти экан. Ёмақондан таом ташийтган нозир маҳбўсларни халака қилиш учун оватқатни аввал хибсонани қўриқлаётган итга ташлайди. Сайдали ака кўпакнинг хириллашини, чапиллаб оватқатлашини эшитиб, сўлагини ютаркан, қорнига эмас, қадрига йилгаради. Ҳа, маҳбўсларнинг ҳаёти ит Ҳтиш, мирза туриш эди. Юқорида айбдорлар устидан суд жараяни қандай боргани ва қандай яқуланганлигидан ҳикоя қилган-ди. Адолатсизликка чидамаган С.Болтабоев вилоят жиноят ишлари судига раъдийнома йўллайди. Ҳша пайтларда ҳам қонун химоячилари орасида жамиятнинг таназзулга юз тутганлигини тўшуган, адолатни кўмсган кишилар бор эди Ҳшлар тўфайли жазо муддати 2 (Охири. Боши тўнган сонда)

Тошкент шаҳар ҳўкимлиги ободонлаштириш бошқармаси Бешаш ишлаб чиқариш корхонаси пойтахтнинг кўчаларида Мустақиллик байрамидан дарак берувчи панно ва плакатларни ўрна-тишни бошлади.

ПОЙТАХТ КўЧАЛАРИ БЕЗАТИЛМОҚДА

Юртимизда нишонланадиган истиқлол байра-ни арафасида кенг миқ-ёсдаги тадбирлар режа-си ишлаб чиқилди. Айнан пойтахтимидаги кўча-лар, истироҳат боғлари, майдонлар хибобларни бе-заш ҳам ушбу тадбир-лар режасига кирган. Маълумотларга қараган-да, Тошкент шаҳрининг Ҳтти минг квадрат метр жойида турли бе-заш иш-лари олиб борилади. Бу ишни амалга ошириш асосан Тошкент шаҳар ҳўкимлиги ободонлашти-риш бош бошқармаси Бе-заш ишлаб чиқариш корхонаси зиммасига юк-латилган. Айни кўнларда корхона жамоаси 3,5 ми-нг квадрат метр жой-да байрам шўхунини ако- Ҳттирувчи панно ва тур-ли мавзудаги плакатлар-ни ўрнамоқда. Мохир рас-сом ва усталардан иборат ижодий жамоа яратган асарлар туркуми Бобур, Шароф Рашидов, Ўзбекистон шох кўча-ларини ўрнатиш тармақ-ларини Шунингдек, шаҳримизда-ги 109 та кўча номлари-ни бежирим шаклда қай-та Ҳзиш ва йўналиш кўрсаткичларини ўрнатиш ҳам ушбу корхона жа-моасига юклатилди. «Тошшаҳарнў» корхона-си эса, бир-бирини тақрорламаган ҳолда кўчаларни турли чироқ-лар билан бе-затиш иш-ларини ниҳоятга етказди. «Туркистон-пресс»

Собиржон РўЗИМатов, «Ишонч» муҳбири.



Бугунги кунда Қашқадарё улкан қурилиш майдонига айланган. Президентимиз воҳада бўлганларида амалга ошириляётган қурилиш ва ободончилик ишларига яхши баҳо бердилар. Давлатимиз раҳбарининг тавсиялари асосида шаҳар ва кишлокларни бош режа асосида қайта қуриш дастури ишлаб чиқилди.

БҮНЁДҚОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
12 ЙИЛЛИГИГА

Аэропортдан вилоят марказига олиб борувчи кенг ва раво йўлнинг икки томонидаги безакли плиталар, анвойи ҳид таратиб турган гулу гулзорлар ўзига ром этади. Қаршидан Бешкентга бораверишдаги 10 километрли катта йўл тегиш асфальтланган. Турфа хил гулларга, атрофдаги мевазор боғларга боқиб тўймайсан киши. Бундай манзарани вилоят марказининг Шахрисабз ва Китоб, Касби ва Яқабоб туманларига олиб борадиган хулудда ҳам кузатасиз. Умуман, кейинги бир йил ичиде воҳада йўл ва кўчаларни ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунёд этиляётган Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган темир йўли қурилиши Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга. Умумий узунлиги 219,9 километрли темир йўлнинг вилоят ҳудудидан ўтадиган Тошгузар-Дехқонобод участкаси 56,8 километр масофани ўз ичига олади. Йўлнинг ўтган ойларда ўттиз уч километр «пўлат излар» ётқизибли, қурилишда юксак сифат ва самардорликка эришилди.

Бир йилда катта маблаг сарфланган, 13,5 миллиард кубометр газни хайдаш кубватига эга бўлган Шўртан компрессор станцияси фойдаланишга топширилди. Мамлакатнинг йирик конларидан ҳисобланган Қўждумалоқда ҳам газ конденсати босимини ошириб берувчи ана шундай қурилма ишга тушди.

Ижтимоий соҳа объектлари қурилишига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Қарши шаҳрида докил-дармонларни сертификатлаш ва сифатини аниқлаш ҳудудий маркази, 20 дан ортик қишлоқ врачлик пункти, ўнаб мактаблар, касб-хўнар коллежлари, 208 километр газ, 106 километр сув қувурлари ишга туширилди. 18 та қишлоқ газ ва сув билан таъминланди.

«Обод маҳалла йили» дастури бўйича аҳоли яшаш

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК


Мустақиллик байрами арафасида «Тошкент-Жиззах», «Жиззах-Тошкент» йўналишида электр поезди қатнай бошлади. Поезд Тошкент шаҳридан тонга йўлга чиқди, кўннинг иккинчи ярмида эса Жиззахдан пойтахтимизга қараб юриди. Бу - 2003 йилда Жиззахда очилган иккинчи йўналишидир. Илгарироқ Жиззах вилояти маркази ва Самарқанд шаҳри ўртасида электр поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Янги йўналишдаги поезд қатнов вақти ва вагонларнинг қўлайлиги билан келиб-кетувчиларга маъқул бўлмоқда. (ЎЗА)

УЧҚИЗИЛ ЧИРОЙИ

«Термиз-2500 йиллиги» ширкат ҳўжалигида Паррандачилик фабрикаси ҳомийлигида барча шарт-шароитларга эга бўлган 25-ўрта мактаб қайта қурилиб ишга туширилди. Умуман туманимизда бу йил 30 дан ортик замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган Учқизил шаҳарчасидаги маданият ва истироҳат боғининг аҳоли барчамизни ташвишга солар эди. Туман ҳоқимлиги ташаббуси билан боғда барча шароитлар яратилиб, мустақиллик тантаналарида аҳоли яна ўз бағрига қорлайдиган бўлди.

2003 йил давомида 2 та маҳалла гузаруи, 2 та болалар спорту майдончаси ҳамда 1 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Шунингдек, бир кеча-кундузда 30 тонна бугдойни қайта ишлайдиган қўшма корхона бунёд этилди. Кичик алибастр заводи ҳамда бошқа объектлар ҳисобидан туманда 1200 дан ортик янги иш ўринлари яратилди.

Р. КАМОЛИТДИНОВ,
Термиз туман ҳоқими ўринбосари.



КўПРИК ҚУРИЛИШИДА



Ақмал Икромов туманидаги Маннон Уйғур ҳамда Улўғбек ноли қўчалар кесилган жойда барпо этиляётган транспорт ҳаракатини тартибга келтирувчи ер ости кўприги ҳам ана шундай иншоотлар сирасига киради. Мустақиллик байрамига фойдаланишга топширилиши режалаштирилган қурилишда иш қайнади. Мазкур ер ости кўпригини қўздан кечирган киши уни бунёд этаётган қурувчиларга беихтиёр тасанно айтади.

роқлар аравачаси ҳаракатландиригани алоҳида йўлка ҳам бўлиб, мазкур иншоот жаҳон стандартлари талабига тўлиқ жавоб беради.

«Обод маҳалла йили» муносабати билан қурувчилар яна бир хайрига қўш қўлуришди. Шундоққина кўприк ёқасига жойлашган хиёбонда Ақмал Икромов туманига қарашли Ойдин Собирова ноли маҳалла гузаруи ҳам бунёд этилмоқда. Шу қўнларда мазкур қошонани мўқофотланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.



Айти пайтда қурувчиларга ёрдамда келган ҳушарчиларнинг ҳам қўли-қўлига теғмайди. Улар ер ости кўприги атрофини тозалашмоқда. 186-мактабнинг директор муовини Дилшод Чиналиев бошчилигидаги ўқувчилар кайфияти ҳам ниҳоятда кўтаринки.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кўни қилиши керак

ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ

Маҳмуджон ақанинг кўнлига тўғиб юрган ниёти бор эди. Бир кўни отасини ёнига бориб, маслаҳат солди.

«Қишлоқ болалари учун бир мактаб қуриб берсам, уларнинг билимли ва барқамол воёга етишлари учун ўз ҳиссамни қўшсам, - деди. Ота ҳам бу фикрни маъқуллаб, бошляётган савоб ишга фотиҳа берди.

Маҳмуджон Матқосимов нафақат туманда балки вилоятда ҳам донги чиққан тадбиркорлардан. «Келажак» деб номланган компанияни бошқаради. Қўрсаткичлари ҳам анча юқори. Орттирган даромадини хайрли ва савоб ишларга сарфляйди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар доим у кишининг эътиборида. Ёзёвон туманининг ободончилик ишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Кўпгина маданий-маиший объектлар қурилишида ҳам доимо бош-қош.

Бундан бир канча муддат илгари Маҳмуджон ака Тошхўвуз қишлоғи ҳудудига 240 ўринли мактаб қурилишини бошлаб юборди. Кўпчилик дастлаб бунга ишонғиси келмади. Кимдир хайрли ишни маъқуллаган бўлса, кимдир қурилиш ўлда-жўлда қилиб, мактаб қад ростлашига шубҳа билан қарашди. Босиб, бунинг учун канча сарф-харажат кетиши барчага маълум. Бироқ, ҳаракат бир дам бўлса ҳам тўхтамади. Тадбиркор қўнда келиб, қурилиш жараёнини қўздан кечирар, лозим бўлган нарсаларни тахт қилиб беришга ҳаракат қилди. Маҳмуджон акага «Сизга шунча маблаг йўқотиб, ушбу мактабни қуришингиз шартмиди. Ахир ишлаб чиқариш корхонаси бўлсани, келажакда наф берса?» деган кишилар ҳам бўлди. Шунда у киши «Нимага наф бермасан, бу ерда ўқиб, таълим олган фарзандаларимиз келгусида билимдон ва юртимиз учун малакали кадрлар бўлиб етишиб чиқса, шунинг ўзи катта боилек. Қўлаверса, отамнинг биргина раҳмат деган сўзлари мен ўчун қифоя», деган эдилар.

Бошланган хайрли иш ниҳоятга етди. Тошхўвуз қишлоғида қиройли, шинам ва замонавий мактаб қад ростланди. Эндиликда 4-5 километр масофага қатнаб ўқийётган маҳалла болаларининг мушқули осон бўлди. Илм даргоҳи Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйи кўни биринчи сентябрда ўз фаолиятини бошляйди. Айти пайтда маскан ўкув қурулган, керакли мебеллар билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари, Маҳмуджон Матқосимов мактабни компьютер техникаси билан таъминлашни ҳам билдирди.

У кишини билган-таниганлар ҳурматлаб «Ҳожи ака» деб қўшиб қўйишди. Шундай инсонлар бор экан, юртимиз янада раванк топаверади. Ниат қилаемизки, бундай хайрли ва савобли ишларга бош қўзаяётган кишилар сафи янада кенгаёвирсин.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» муҳбири

ЖАЗОНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ —

Мустақиллигимиз эълон қилинганлигига ҳам ана 12 йил тўлди. Шу йиллар давомида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи миллий қонунчилигимизга асос солинди. Қонунчилик мўҳити ёттиберилиб билан тўбадан ўзгариш, жиноятчиликка қарши кураш нўсбати демократиялаштириш ва инсонпарварлик ҳиссий назаридан амалга оширилядиган бўлди.

Бу эса ўз наватига «жиноятчини шафқатсиз жазолаш» деган эски қарашлар ва унинг оқибатларидан буткул воз кечиш ҳамда умуман инсон онгидан бундай ҳадик хавотирини чиқариб ташлаш сари муҳим қадам ташланди, деганидир. Шунингдек, бу ўзгаришлар шу пайтгача амалда бўлган жазо тизими тамойилларини мутлақо ўзгариштириб, эскилик сарқитларидан воз кечиш, мустақиллик шарофати ила янгилик тамойилларини рўёбга чиқарди. Том маънода айтганда, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, фуқаролик жамятининг пойдевори шакллантирилди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Инсонпарварлик гоясининг босқичма-босқич ва изчиллик билан қонунчи-

«Ҳуқуқий давлат — лари кафолатланидиган, ҳоқуққнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдиде тенглиги таъминланидиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик»

ийларини таъминлаш мақсадида «Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Қонунинг қабул қилиниши, «жиноятчини шафқатсиз жазолаш» деган эски қарашларни парчалаб ташлади.

Аниқроқ қилиб айтганда бўлса, Жиноят Кодексидаги жиноятларни таснифлаш меzonлари ўзгариб, уларга қасддан содир этилиб, қонунда ўйланган бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилган. Жиноят Кодексидаги 87 жиноят таркиби бўйича санкциялар бир мунча енгиллаштирилиб, улардан 26 тасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қоралари чиқариб ташланди. Айтиш мўимки, шундан ташқари таълиму тарбия қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида

нилган бўлса, 2002 йилда бу қўрсаткич 31,5 ва 2003 йилнинг 1 ярмида 29 фоизни ташқил этади.

Ярашув тўғрисидаги институтнинг амалиётда тобора кенг миқёсда қўлланиляётганлиги эса том маънода демократик жараёнининг бир қўрнини бўлиб, бу ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг ёрқин далилидир. Масалан, мазкур қонун амалга қилинганлиги билан, турмушдаги келишмовчиликлар, қариндош-уруғлар ўртасидаги жанжаллар Жиноят Кодексидаги теғшили моддалар билан малакаланиб, шахслар жинойи жавобгарликка тортилган бўлса, қонун амалга қилиниши муносабати билан Жиноят Кодексидаги 26 та моддада назарда тутилган жиноят бўйича шахслар жинойи жавобгарликдан озод қилиниб, уларга ярашув институти қўлланилиши имконияти яратилди.

Жиноят иши суд жараёнида қурилишида тарафлар ярашганликлари ҳақида судга ёзма равишда ариза билан мурожаат этган бўлсаларда, суд ЖҚнинг 66-1

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Касаба уюшма аъзолари ва
барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
12 йиллиги билан самимий
табриклайди



ЧИН ИНСОНИЙЛИК ТИМСОЛИ

моддаси талабларини бузган ҳолда ишни ҳаракатдан тугатиш ўрнига, айблов ҳукми чиқарган. Масалан, Тарафлар ярашганликлари ҳақида судга ёзма равишда ариза билан муҳожат этган бўлсаларда, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг ҳукмига кўра, К.Юлдашевга нисбатан турмуш ўртоғи М.Сагторовани уриб тан жароҳати етказганлиги бўйича ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айблов ҳукми чиқарилган.

Тарафларнинг ярашганлиги тўғрисидаги аризаларга биноан ушбу жиноят иши бўйича вилоят прокурори томонидан келтирилган кассация тартибидagi протест тугайли Наманган вилоят жиноят ишлари бўйича судининг судлов ҳайъати ажрими билан К.Юлдашевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси асосида ҳаракатдан тугатилган.

Шунингдек, 2001 йилнинг охиригача 1052 нафар айбланувчи жабрланувчи билан ярашганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлсалар, 2002 йилда 8778 нафар, 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида

эса 3382 нафар шахс ярашув натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Бу институтнинг жорий қилинишидан асосий мақсад, аввало Қонунда кўрсатиб ўтилган тартибдаги жиноят ишларини кўриш услубини соддалаштириш, шунингдек, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамоатчиликнинг одил судловга кўмакчилиги каби ҳолатларни кўзда тутилади. Албатта, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бундай судлов услубини тақозо этади. Жазодан кўзланган мақсад – «адашган» инсонни жамиятга қайтариш, тарбиялашдир. Айтиш жоизки, жиноий жазога барча ижтимоий нуқсонларга даъво бўла оладиган восита деб қараш нотўғри. Сабаби, айрим ҳолатларда у даволашдан кўра кўпроқ зарар келтириши мумкин. Яъни, касалликни тузатиш ўрнига керагидан ортик хавфли ҳолатга айлантиради. Катта ижтимоий хавф тугдирмайдиган қилмиши учун узок муддатга озодликдан маҳрум қилинган одамнинг жазони ўташ жойларидан даргазаб, аламзада ва жамиятга нисба-

тан норози кайфиятда оила-сига қайтиши табиий. Шу боис жиноий-ҳуқуқий сиёсатни эркинлаштириш шахс эрки ва ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида баҳолашнинг белгилаб берди. Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳар қандай йўналиши мақсад-мазмунда инсон манфаатларига эътибор мавжуд. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади – жамиятнинг, хусусан, ҳар бир инсоннинг оқилолтириш ҳаётини таъминлашдан иборат.

Президентимизнинг «...Хавфнинг ўзи кўрсатиб турибдики, қаттиқ жазонинг, айниқса, фуқароларнинг жамиятдан ажратилиши билан боғлиқ ҳолларда оғохлантирувчи ролини оширишнинг кераги йўқ», – дея айтган фикрларига кўра озодликдан маҳрум қилиниши жарима билан алмаштириш ниҳоятда адолатли йўлдир.

Содда қилиб айтганда, аввалги қонунчилик бўйича айбланувчи билан жабрланувчи ўртасида келишувчилик вужудга келган тақдирда ҳам шахс бир умр судланган, деган тамгани олиб юрар эди. Энди эса бундай тамга бу-

тунлай олиб ташланди. Шу билан биргаликда, жиноий жазони либераллаштириш тўғрисида қабул қилинган ва моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонунларнинг палла-партиш, асосиз равишда қўлланилиши сингари ҳолатлар ушбу қонунларнинг обрўсига путур етказишни, фуқароларда норозилик туйғуларни вужудга келишига сабаб бўлиши ҳам назардан қочирмаслигимиз керак.

Масалан, А.Ҳошимов фуқаро У.Ўлжабоевнинг 15.000 сўмлик кўртқасини яширин равишда ўғирлаганлик ҳолати юзасидан ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми билан қўзғатилган жиноят иши, қонуний равишда айблов ҳулосаси билан 2001 йил 29 октябрда суд муҳокамасига юборилган бўлса-да, Шайхонтоҳур туман жиноят ишлари бўйича судининг 2001 йил 16 ноябрдаги ажрими кўра фуқаронинг шахсий мулки ўғирланганлигига эътибор берилмасдан, А.Ҳошимовнинг содир этган жинояти гўёки, МЖТКнинг 61-моддасига асосан жиноят

таркибини бермаслиги кўрсатилиб, жиноят иши асосиз равишда ҳаракатдан тугатилган.

Ваҳоланки, МЖТКнинг 61-моддасида мулкчилик шаклидан қатъи назор қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш кўрсатилган бўлиб, оз миқдорда қиймати энг кам иш ҳақининг беш бароваридан ошмаса, бундай талон-торож деб ҳисобланиши ва ушбу модала билан маъмурий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий мулкларини кўзда тутилмаган.

Шунингдек, шу суднинг 2001 йил 25 октябрдаги ажрими билан Ш.Усмоновга нисбатан ЖКнинг 105-моддаси 1 қисми билан ярашув бўлиб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. Аммо Ш.Усмонов муқаддам судланган бўлиб, судланганлик ҳолати тугалланмаганлиги эътибордан четда қолдири-

либ, гайриқонуний ажрим чиқарилган.

Ўшунингдек, жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 2001 йил 23 ноябрдаги ажрими кўра А.Ориповга нисбатан ЖКнинг 122-моддаси билан ярашув қўлланилиб жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. Ваҳоланки, А.Орипов муқаддам 2001 йил 15 июнда ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 238 моддаси 3-қисми билан судланган бўлиб, унга нисбатан ЖКнинг 61-1 моддасини қўллаш мумкин бўлмаган.

Тошкент шаҳар прокурори томонидан ҳар учала жиноят иши бўйича киритилган протестлар асосида ушбу қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилиб, уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонуннинг амалга киритилиши нафақат баъзи ҳолатларга ўз ижобий таъсирини кўрсатибгина қолмай, балки суд жараёнида ҳам қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик каби принципларни янада мустаҳкамлашда, қонун устуворлигини таъминлашда ўз самарасини бериши билан бирга, прокурорларнинг протестлари асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд йўли билан самарали

Жамият ва шахс

химоя қилиниши, судларнинг апелляция, кассация ва назорат босқичларида ишларни қайта кўриш жараёнида ҳам таъминланмоқда.

Натижада, судлар томонидан судланувчиларга нисбатан жазо тайинлаш амалиёти тубдан ўзгариб, 2001 йилда судланувчилардан 49,2 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 2002 йилга келиб судланган шахсларнинг 37,6 фоизига, 2003 йилнинг 1-ярмида эса судланган шахсларнинг 36,5 фоизига шундай жазо чораси қўлланилди.

Юқорида зикр этилган қонун талабларига кўра жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида прокурорларнинг апелляция протестлари асосида 859 нафар, кассация протестлари асосида 194 нафар, назорат протестлари асосида 57 нафар маҳкумларнинг жазолари енгиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларимизнинг амалиётда тўғри татбиқ этилиши, ўз навбатида мамлакатимиздаги ҳуқуқий-демократик жараёнларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқ-

аро ҳамжамият ва бевосита мамлакатимиз фуқаролари кўз ўнгида бу ўзгаришлар адолатчилик, инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ҳуқуқий ислохотларнинг ёрқин намоёни бўлиб қолади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Биз оила аъзоларининг, энг аввало, эндигина ҳаётга ёруғ ниятлар ва гоёлар билан қадам қўйган ёшларнинг ўз оталарининг нолайиқ хулқ-атвори тугайли жамият учун йўқолиши бўлишига йўл қўймаймиз. Бу бизнинг энг муҳим вазифамиздир».

Ориф АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг судларга жиноят ишлари кўришида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси
Раъшан КАМОЛОВ,
Бошқарма прокурори, 1-даражали юрист

Китобхонлар ёлдидадири, Абдулла Қодирийнинг севинми қабрига Отабек Марғилонга боргач, андижонлик савдогар Зий шохчининг зиёфатида бўлиб, эҳтимол Азизбекнинг қўғирчоқ ҳоким сифатидаги носоз иш тутимлари ҳусусида кизгин баҳс қилади. Мамлакатда сурункали бошбошдоқликларнинг юзага келиши, хонликлар ўртасида ўзаро сиёсий бирлигининг йўқлиги уларнинг бирин-кетин заволга ўз тутини таъмин этади. Буни Юсуфбек Хожининг Отабек билан қилган суҳбатларидан яна ҳам чуқурроқ аниқлаш мумкин: «Ўз наслини ўз қўли билан қоприб қўлига туткин қилиб топширувчи қур ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати ёғилур... Темир Қўрагон каби дохийларнинг, Мирза Бобур каби фотихларнинг, Форобий, Улуғбек, Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган, нашуу нам тоған ўлкасини ҳалоқат чуқурга судрагувчилар албатта Таңғирнинг қаҳрига учраб».

ТАРИХ САБОҒИ

ёхуд тарихий асарларда тарихий ҳақиқат

XVIII асрларда яратилган бир қанча қўлёзмаларни чуқур ўрганган. Жумладан, Абдурахмон Толёевнинг «Абулфайзон тарихи». Мухаммад Юсуф Мушыйнинг «Тарихи Муҳимхоний», Мир Мухаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллоҳнома», Мир Вафо Кармангайнинг «Тухфаи хоний», Хожа Мир Мухаммад Салимининг «Силсилатус салотин» ва Мухаммад Козим асарларидан кенг фойдаланган.

Тарихнавис ёзувчилар ҳукмдорлар вафотидан кейин тугаллаган асарларида мамлакатни ҳароб ҳолатга келтирувчи, хонларнинг ҳалоқатга дучор қилувчи хатти-харакатларини руйи-роқ таҳлил қилиб берганлар. Масалан, Хожа Мир Мухаммад Салим тарих тақозоси билан Макажа бориб, у ердан денгиз орқали Ҳиндистонга ўтганилиги, Бобурийлардан Насриддин Мухаммадшоҳнинг (1719-48) хизматида кирганлиги маълум. Унинг «Силсилатус салотин» асари ҳам Бобурийларнинг буйруғи билан ёзилган. Айниқса, қўлёзманинг III-IV бобларида XVII-XVIII аср бошларида Бобурийлар Бухоро хонлигининг ички ишларига аралашуши ва уларнинг қўшилари маълум бир вақт Балхни босиб олганлиги ҳақида қўл маълумотлар келтирилади. Шунингдек, асарда Бухоро хонлари Абдуллоҳондан бошлаб, Абдумунинхон, Динмуҳаммадон, Имомқулхон, Субхонқулхон, Абдулазизхон ва Абулфайзонларнинг Ҳиндистон, Эрон ва Туркия ҳукмдорлари билан қилган ёзиқмаларидан 20 нафар мактуби ҳам келтирилди. Фитратнинг «Абулфайзон» драматига манба берган шахслардан яна бири 1721-52 йилларда яшаб, Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқулхон қўли остида ҳарбий котиб лавозимини да ишлаган Мухаммад Ко-

Ўтмишсиз келажак йўқ

даш сатрлар бор. **Гўзал юлдуз, нури юлдуз, тез сўзла, Оталарнинг тарихдаги хатосини, Шулу хатодан осуфанлиб ёвларинг Эл кўксига сурган ишрат сафосин.**

...Фалокатлар кўрган ота-боблар, Истикболнинг қиммати билмаган. Эл ва юрти сақлар учун сўнг хонлар, Тузуккина чора-тадбир қилмаган.

Чўлпон томонидан афсус-надомат ила айтилган бу ҳақиқатлар халқнинг юрагидаги гаплар эди. Чиндан ҳам шу хатодан фойдаланган чор Россияси мамлакатни талаш ва хонавайрон қилишга тутунган эди. Хонликлар эса ҳамон бир-бирларининг кўзини ўйиб, «қоқил солиш» каби ўта пастарин қилиқ ва одатлар гирдобиди ўралашиб ётардилар. Шундай ҳолатда халқ тақдири ва келажagini ўйлаб ёнган миллатпарвар зиёвчилар мадад излаб тўрт тарафга қараб талпиндилар.

Бирок, энди улар бутунлай кечиккан эдилар. Шу боис хатто, Фитрат ҳам йўлсизлик исканжасидан чиқолмай, ўтмиш ҳукмдорлар руҳидан мадад сўрайди. У «Темир сағанаси», «Ўғизхон» каби драмалар ёзиб, Ўрта Осиё музофотидаги муҳим тарихий шартини муҳим тарихий шартини билдириб, давлат ишларида мустақил фикр юрити оладиган маслаҳатчиларни тарбиялаб етказмоғи даркор. Давлат устидан ҳукм юритишнинг иккинчи шартини шуки, ҳукмдор етук, оқил, виждонли, нафси тўқ, қамтарин ва истеъдодли кишиларни ўзига яқинлаштирмоғи лозим.

Маълумки, 1864-65 йиллари чор Россияси генерал Черняев бошчилигида Тошкентга ҳужум қилганда, Қўқон хони Худойёр на Хоразм, на Бухоро ҳукмдорлари билан яхши муносабатда бўлган. Хатто, Бухоро амири Қўқон хонлигини забт этишда рус генерал губернаторлигининг мададига таяниш ҳам бу ўтган даврларни ўзича таҳлил қилиб, алоҳида йирик асар ёзади. Бу асарларнинг маънасида, шубҳасиз, огоҳлик ва сабоқча ундаш муҳим ўрин тутди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Сўнгги йиллар Учқўприк тумани учун ривожланиш йиллари бўлди. Кишлоқ хўжалиги, саноат, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш борасида катта ютуқларга эришти. Туман халқ таълими соҳасида, айниқса, ривож топди. Бу ерда 52 та мактаб, 32 та мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлиб, унда 3940 нафар талаба таълим олади. 28 мактаб компьютер билан таъминланган. «Зиё» икити-сод лицейи, икитидорли болалар мактаб-интернати ҳамда 28 мактабдаги компьютерлар интернет тармоғига уланган.

лаш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Туманда қисқа муддатларда 15 та замонавий кишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Айниқса, марказдан анча узоқда жойлашган Бекобод кишлоғида шундай масканининг фойдаланишга топширилиши совға қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори юзасидан тумандаги барча маҳаллалар, ҳамда кишлоқларда ёшларнинг спортга меҳрларини уйғотиш ва хоҳлаган спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказишлари катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, тумандаги 8 та мактабнинг спорт заллари қайта таъмирдан чиқарилиб, керакли спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Мустақилликнинг 12 йиллиги шодиёналари арафасида тумандаги «Истикбол» ширкат хўжалиги ташаббуси ва ҳомийлигида 180 ўринли замонавий 38-ўрта мактаб таъмирланиш фойдаланишга топширилди. Мактаб учун зарур бўлган барча жиҳозларни вилоят халқ таълими бошқармаси ўз зиммасига олди. Бундан айниқса, «Йўлғуззор» маҳалласида истиқомат қилаётган ота-оналар ва уларнинг фарзандлари қувонишмоқда.

Х.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» муҳбири

2003-2005 йиллари болалар спорт иншоотлари қурилиши ҳамда мажмуа заллари таъмирдан чиқариш юзасидан режа ишлаб чиқилган, дейди туман ҳокими Азимжон Муҳитдинов. «Бугунга қадар ҳомийлар ёрдамида 11 миллион 500 миң сўмдан зиёд ишлар амалга оширилди. Тумандаги 33-ўрта мактаб ҳудудида замонавий теннис корти қуриб фойдаланишга топширилди. Янги кишлоқ, Кенағас, Катта-Қуштепа кишлоқларида 1,5 гектардан ер ажратилиб, спорт иншоотлари қурилиши бошлаб юборилди.

«Обод маҳалла йили» муносабати билан белги-ланган тадбирларга асосан туманда 226 та спорт май-

дони қуриб фойдаланишга топширилди. Янги кишлоқ, Кенағас, Катта-Қуштепа кишлоқларида 1,5 гектардан ер ажратилиб, спорт иншоотлари қурилиши бошлаб юборилди.

«Обод маҳалла йили» муносабати билан белги-ланган тадбирларга асосан туманда 226 та спорт май-

ХУНАРМАНДЛАР ҚУВОНЧИ

Деновлиқлар азалдан хунарманд келди. Мустақиллик уларга бу борада янада кенг имкониятлар очди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг утган йил қабул қилинган халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига оид Фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу асосдаги қарори хунар аҳлини жуда руҳлантириб юборди. Шаҳарда 87 кишини бирлаштирган «Хунарманд маркази» ташкил этилди. Деновлиқ хунармандларга марказий бозордан жой ажратилди. Улар ишлаб чиқарган турли уй-ўрғор буюмлари савдоси учун қўлай шароит яратилди. Бу ерда гулмўшдан то юксак санъат асарларига сотилади.

Шоҳмат

РУСТАМ — БИРИНЧИ!

Дунё шахматчилари орасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг обур-этибори баланд. Яқинда Нидерландиянинг Влссинген шаҳрида ўтказилган аънаъанавий турнирда ҳам ҳамюртимизга амод қилиб бокди.

мусобақада С.Борзов, А.Бобононов, А.Куликов ва А.Самойлов бошқарган каноэ маррага биринчи етиб келди. Аёллар ўртасида яккалик баҳсида каноэчи Ю.Борзова ўзини кўрсатди. Жамоалар баҳсида ҳам Ю.Борзова жамоадошлари А.Москалёва, Т.Левина ва Н.Пишулева билан бирга голбилик наҳидасини сурди.

Дунёнинг энг кучли 230 шахматчиси иштирок этган маъруз турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов энг юқори натижага эришти. Етти рақибини мағлуб қилган ўзбек йигити икки учрашувда дурangga рози бўлди. Бироқ бу Рустамнинг 8 очко жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритиши учун кифоя қилди. Кейинги ўринлар 7,5 тадан очкога эга бўлган руминиялик икки шахматчи - В.Иордешеску ва В.Нисийянуга насиб қилди.

Эшак эшиш
ЭПЧИЛ ҲАМ ТЕЗКОР

Оммавийликдан маҳорат сари
МАҲАЛЛА КУНЛАРИ

Обод маҳалла йили муносабати билан «Ўз юртингни ўзинг обод қила» шiori остида ўтказилган «Маҳалла кунлари»нинг вилоят босқичи якунланди.

Бунда асосий эътибор маҳалла инфра-тузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш, спорт иншоотлари қуриш ҳамда жиҳозлаш, спорт тўғрисидаги фаолият, оммавийлигини таъминлаш, кам таъминланган, ёлғиз қарияларга амалий ёрдам кўрсатиш, оилавий маросимларни ихчам, камчиқим ўтказишга қаратилди.

Бугунги Тошкент

Чорвоқдаги Хожикент сув омборида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоғи мусобақаси бўлиб ўтди.

Каноэда яккалик баҳсларида 1000 метрни биринчи бўлиб босиб ўтган А.Бобононов галаба қозонди. Кейинги ўринлар С.Борзов ҳамда М.Тарасовага насиб қилди. А.Бобононов беш юз метрга ўтказилган пойгада ҳам маррага биринчи келди. Д.Стрижков иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, С.Борзов учинчи ўрин билан кифояланди.

Байдаркадаги яккалик баҳслари ҳам жуда кизгин кечди. Бир километр масофага ўтказилган пойгада голбилик Д.Соққийга насиб қилди. Р.Мирзадиёров ва Д.Коваленко кейинги ўринларга лойиқ топилди. Беш юз метрга бўлган баҳсда Д.Соққий М.Кириёнов ва Д.Коваленко ордта қолдириб, мусобақага жиддий тайёрланганини исботлади.

Каноэда жуфтлик баҳсларида А.Бобононов ва С.Борзов бирликда барча рақибларини ордта қолдириб, байдаркада Д.Коваленко ҳамда Р.Мирзадиёров жуфтликга ҳеч ким етолмади. Жамоалар ўртасида каноэда бўлган

«Энг обод корхона» номига «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Энг обод ўқув юрти» номига эса Олтириқ туманидаги 33-умумтаълим мактаби эга бўлди. «Энг обод маҳалла» номинацияси бўйича Марғилон шаҳридаги «Янги йил» ва Тошлоқ туманидаги «Заркент» маҳалла фуқаролар йиғини гойиб бўлди. Ўзбекистон туманидаги Қизил ариқ кишлоқ фуқаролар йиғини «Энг обод кишлоқ фуқаролар йиғини», Кува туманидаги Дехқонобод маҳалла гузарни «Энг яхши маҳалла гузарни», Бағдод туманидаги Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги Шодлик кўчаси эса «Энг обод кўча» деб тан олинди.

(ЎЗА)

Хабарлар оқимидан

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИгини ОШИРИШ йўлида

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги саводхонлик билан кўрилатган тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Янги ўқув йили муносабати билан вазирлик кўмағида таълим муассасалари кўплаб кўрсатмали техника воситаларига эга бўлдилар. Мухандис-педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда марказларига эса биргина «Пентим-4» русумли компьютер қурилмаларининг ўзидан 450 га яқини тортиқ қилинди. Шунингдек, 70 га яқин янги принтер қурилмалари ўз билди, таъриба ва маҳорати ошаётган муҳандис-педагоглар ихтиёрига берилди.

Булар шубҳасиз, таълимда компьютер техникаларидан кенг фойдаланиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

«Баркамол Авлод — 2005»ГА ТАРАДДУД

Республикамизда соғлом авлодни тарбиялаш йўлида спорт ва жисмоний тарбия ишлари кенг қўлама амалга оширилмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт байрамлари эса бу хайрли ишда асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Чунноқи, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг навбатдагиси 2005-йилда Тошкент вилоятида ўтказилди-ган бўлди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида ана шу оммавий спорт тадбирини молиялаштириш жамғармаси ташкил топди.

Спорт соҳасидаги истеъодларни аниқлаш, спортнинг олимпиада ва миллий турларини ривожлантиришда жамғарма маблағларидан фойдаланилади. Янги спорт иншоотларини бунёд этиш, маданий тадбирларни ўтказиш, транспорт хизмати йўлга қўйиш, плакатлар тайёрлаш, совға-саломлар хозирлаш сингари жараёнлар учун ҳам маблағ ажратилди.

«Баркамол авлод - 2005» спорт байрамини тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Шу жараёнда замонавий марказий ўйингоҳ иншооти бунёд этилди. Унга яқин мажмуа қайта таъмирланди. Яна қатор қурилишлар ниҳоясига етказилди.

Акбар АЛИЕВ



Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудида 2000 йил 30 майдан бўйи фаолият қўйиб, Фарбий Тяньшан биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал экологик фонд (ГЭФ) нинг Марказий Осиё чегараларини лойиҳаси ижро-чилиши иштирокида «Гулистон» журналининг лойиҳасига ба-ғишланган махсус сонни тақдимоти ўтказилди.

- Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар миллион йиллар давомида ўзаро боғлиқликда ривожланиб келган, деди жунал баш муҳаррири Азим Сунон «Туркистон-пресс» тизимида. - Инсоннинг ҳаётига техника, моддий асослар кириб келиши билан бу муносабатларда талай кескинликлар юзага кела бошлади. Бизнинг дав-

“ТАБИАТДА ЯШАЙДИ ИНСОН”

бизни ҳар қадамда таъқиб қила-верди.

Жаҳон миқёсида она табиатини асраш, инсонларда экологик соғлом муносабатни шакллантиришга қаратилган қатор халқаро, минтақавий ва маҳаллий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал экологик Фондининг Марказий Осиё чегараларини лойиҳасининг мақсади ҳам шундан иборат. Лойиҳа Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозғистон республикаларида амалга оширилмоқда. Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш мақса-дида, маъруз мамлакатларга Жа-лол экологик фонд орқали Глобал банки томонидан 10 миллион 15 миң АКШ доллари ажратилди. Биологик хилма-хиллигини сақлашнинг асосий ҳудудларидан тўрт қирқонча, яъни Ўзбекистондаги Чотқол, Қозғистондаги Оқуев-Жобоғли, Қирғизистондаги Саричелак ва Бешорол ҳисоб-ланади. Уч давлат ҳудудида жой-лашган бу қирқонча нарва ноб та-

бизни ҳудуд бўлиб, ўзига хос на-ботот ва ҳайвонот турларининг сони уч миңдан ошади. Улардан 170 тури ер юзининг бошқа ҳудудларида учрамайди.

«Гулистон» журналининг маъ-зур сонидаги «Табиатда яшайди инсон», «Бизнинг Чотқол», «Таби-атни асраш муқаддас бурч», «Табиат мактаби», «Гулистон дорихонаси» каби руқларда берилган кенг қамровли мақо-ларлар ҳар бир ўқувчи қалбидан чуқур жой олади, уларнинг экологик билимларини чуқур-лаштиришга қўлай, ватанимиз табиатининг содиқ посбон-ларига айлантиради, деб ишо-нама.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва таърифининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидонинова волидаи мух-тарамаси

ШАРИФАХОН аяннинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик из-ҳор этади

ISHONCH
Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Муассис: **Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dstlink.net; ishonch1@dstlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар булими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.